

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

52-сон
(916)
2019 йил
30 декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

916. «Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича халқаро конвенцияга (Рим, 1951 йил 6 декабрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 декабрдаги ЎРҚ–596-сон Қонуни
917. «Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 24 декабрдаги ЎРҚ–597-сон Қонуни
918. «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги ЎРҚ–598-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

919. «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг биометрик ҳужжатиغا эга бўлган чет эл фуқаролари учун Ўзбекистон Республикасига киришда

визасиз режимни белгилаш ва виза режимини енгиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 декабрдаги ПФ-5896-сон Фармони

920. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 декабрдаги ПҚ-4552-сон қарори

Бешинчи бўлим

921. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирининг 2019 йил 29 ноябрдаги 17-сон «Электрон кооперация биржаси портали орқали харидларни амалга ошириш учун буюртмачилар ва етказиб берувчиларнинг аванс маблағлари (закалат ва операторнинг воситачилик йиғими) миқдорини белгилаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3206*)
922. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 19 декабрдаги 2019-64-сон «Солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2926-1*)
923. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 13 декабрдаги 30/10-сон «Банкка алоқадор бўлган шахслар билан тузиладиган битимлар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2706-3*)
924. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 20 декабрдаги 111-сон «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2971-2*)
925. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 20 декабрдаги 113-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БҲС) «Ягона счётлар режаси»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3078-2*)

926. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 20 декабрдаги 112-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БХС) «Бюджет ҳисоботи»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3124-1*)
927. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 13 декабрдаги 30/9-сон «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-6*)
928. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил 6 декабрдаги 104-сон «Мехнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2667-1*)
929. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2019 йил 13 декабрдаги 9-мх-сон «Таълим муассасалари, корхоналар, турар жой даҳаларининг асосий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва (ёки) спорт иншоотлари билан энг кам таъминланиш нормативларига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2614-2*)
930. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардиясининг 2019 йил 4 ноябрдаги 669, 88, 24-сон ««Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2981-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 21 декабрдан 27 декабргача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****916 Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича халқаро конвенцияга (Рим, 1951 йил 6 декабрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 9 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 14 декабрда
маъқулланган

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича халқаро конвенцияга (Рим, 1951 йил 6 декабрь) қўшилисин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 23 декабрь,
ЎРҚ-596-сон

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

917 Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 9 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 14 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «**Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида**»ги 425–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 43-модда; 1993 йил, № 5, 236-модда; 1994 йил, № 11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 153-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 4, 97-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 8, 470-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) 4-модда:

2-бандининг 8-кичик бандидаги «портловчи моддалар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3-бандининг 3-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) саноатнинг таянч тармоқлари: ёқилғи-энергетика, кончилик (шу жумладан портловчи моддаларни, шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун махсус материаллар ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиш билан шуғулланадиган), машинасозлик ва пахта-ни қайта ишлаш мажмуаларининг корхоналари ва ташкилотлари. Нефть, газ ва кўмир қазиб чиқариш, қудуқлар бурғулаш корхоналари ва ташкилотлари. Магистрал нефть қувурлари ва газ қувурлари, нефть маҳсулотларини оқизма ҳолда етказиб берадиган қувурлар, электр ва иссиқлик ҳосил қилувчи станциялар ва тизим ҳосил этадиган электр тармоқлари»;

2) 5-модданинг иккинчи қисмидаги «очик» деган сўз чиқариб ташлансин;

3) 7-модданинг 4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Давлат корхонасини акциядорлик жамияти этиб ўзгартириш тўғри-

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 декабрда эълон қилинган.

сидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаси томонидан қабул қилинади»;

4) **8-модда 2-бандининг тўртинчи хатбошисидаги** «очиқ» деган сўз чиқариб ташлансин;

5) **12-модда 2-бандининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармалари».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Прокуратура тўғрисида»**ги 746–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда, № 12, 636-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 4, 218-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 5, 267-модда, № 11, 791-модда) **49-моддасининг иккинчи қисмидаги** «маъмурий ҳуқуқбўзарлик ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»**ги 913–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 8, 383-модда, № 9, 510-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 4-модда) **7-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Архитектура-қурилиш назорати давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган **«Стандартлаштириш тўғрисида»**ги 1002–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 2, 46-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил,

№ 10, 536-модда; 2009 йил, № 4, 129-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **2-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **3-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **8-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **27-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар судга электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкин.

Иш ҳолатлари ҳужжатларнинг фақат асл нусхалари билан тасдиқла-

ниши лозим бўлганда, шунингдек бошқа зарур ҳолларда суднинг талаби билан ҳужжатларнинг асл нусхалари тақдим этилади»;

2) **531-модданинг саккизинчи қисми** «ижрочиларига» деган сўздан кейин «электрон ҳужжат тарзида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674-модда, № 11, 787, 791-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **119-модданинг:**

номидаги «ва ҳисобга олиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Кичик ҳажмли кемалар инспекцияси назоратидаги кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларини бузиш, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари, мансабдор шахсларга эса — икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

иккинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари, мансабдор шахсларга эса — уч баравари миқдорида жарима солишга ёхуд кема ҳайдовчиларини кемани бошқариш ҳуқуқидан бир йилу олти ой муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади»;

2) **132-модданинг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солишга ёки кема ҳайдовчиларини кемани бошқариш ҳуқуқидан икки йил муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади»;

3) **245-модданинг биринчи қисмидаги** «119-моддасининг иккинчи қисмида» деган сўзлар «119-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **249¹-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«249¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органлари

Ушбу Кодекснинг 119, 132 ва 204¹-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома кўриб чиқиш учун ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга юборилади.

Ушбу Кодекснинг 119 ва 132-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Кичик ҳажмли кемалар инспекциясининг мансабдор шахслари томонидан тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Кичик ҳажмли кемалар инспекциясининг бошлиғи, катта офицери ва бош мутахассиси, шунингдек фавқулодда вазиятлар ҳудудий бошқармаларининг бош инспекторлари Кичик ҳажмли кемалар инспекциясининг мансабдор шахсларидир»;

5) **253-модда** чиқариб ташлансин;

6) **268¹-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«268¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги органлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги органларига ушбу Кодекснинг 215¹-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима солиш тартибидеги маъмурий жазо чораларини қўллашга қуйидагилар ҳақли:

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директори ҳамда унинг ўринбосарлари — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваригача миқдорда;

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳудудий бошқармалари раҳбарлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари — базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваригача миқдорда жарима солишга»;

7) қуйидаги мазмундаги **269¹-модда** билан тўлдирилсин:

«269¹-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ишни кўриб чиқиш жараёнида орган (мансабдор шахс) томонидан талаб қилиб олинган ҳужжатлар, шунингдек қоғозда расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида шакллантирилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар электрон шаклда шакллантирилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар электрон шаклда шакллантирилганда ишда иштирок этувчи шахслар органга (мансабдор шахсга) ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этишга ҳақли.

Ишлар электрон шаклда шакллантирилганда ишда иштирок этувчи шахслар томонидан судга тақдим этилган ёзма ҳужжатлар ишга электрон шаклда қўшиб қўйилади, шундан сўнг ёзма ҳужжатлар уларни тақдим этган шахсларга қайтарилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар электрон шаклда шакллантирилган тақдирда, орган (мансабдор шахс) томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар тегишинча органнинг мажлисида раислик қилувчининг ва котибнинг ёки ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни электрон шаклда бошқа органга топшириш ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги электрон шаклда шакллантирилган ишларнинг қоғоздаги кўчирма нусхалари бўлиши мумкин»;

8) қуйидаги мазмундаги **269²-модда** билан тўлдирилсин:

«269²-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда иштирок этувчи шахсларнинг мурожаатлари

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда иштирок этувчи шахслар ушбу Кодексадa белгиланган тартибда ва муддатларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан мурожаат қилишга ҳақли.

Мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар судга электрон ҳужжат шаклида юборилиши мумкин.

Иш ҳолатлари ҳужжатларнинг фақат асл нусхалари билан тасдиқла-

ниши лозим бўлганда, шунингдек бошқа зарур ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахсининг) таълиби билан ҳужжатларнинг асл нусхалари тақдим этилади»;

9) **290-модданинг олтинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиб қўйиш — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, кичик ҳажмли кемаларни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиб қўйиш — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, ов қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиб қўйиш эса — Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади»;

10) **291-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги «**3» кичик банд** билан тўлдирилсин:

«3) ушбу Кодекснинг 119 ва 132-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Кичик ҳажмли кемалар инспекциясининг мансабдор шахслари томонидан»;

11) **306-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни судда кўриб чиқиш чоғида суднинг ташаббусига ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра суд мажлисининг аудио- ёки видеоёзуви амалга оширилиши мумкин»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

12) **308-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Суд мажлисининг аудио- ёки видеоёзуви амалга оширилган тақдирда, суд мажлисининг баённомасига фақат ушбу модда биринчи қисмининг 1 — 4, 6-бандларида назарда тутилган масалалар юзасидан ёзув киритилади, ишда иштирок этувчи шахслар тушунтиришларининг, гувоҳлар кўрсатувларининг, экспертлар ўз хулосалари юзасидан берган оғзаки тушунтиришларининг, музокараларнинг ҳамда прокурор фикрларининг бошланган ва тугаган вақти кўрсатилади, шунингдек суд мажлисини ёзиб олишнинг техник воситаларидан фойдаланилганлиги тўғрисида белги қўйилади. Электрон ёхуд бошқа аудио- ёки видеоёзувлар жамланган воситалар суд мажлиси баённомасига қўшиб қўйилади.

Суд мажлиси видеоконференцалоқа режимида ўтказилган тақдирда, суд мажлисининг баённомасида ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган маълумотлардан ташқари:

суд мажлиси видеоконференцалоқа режимида ўтказилганлиги тўғрисидаги;

суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказишга кўмаклашаётган суднинг номи ҳақидаги;

ишда иштирок этувчи шахслар ва суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказишга қўмаклашаётган судга келган суд процессининг бошқа иштирокчилари тўғрисидаги;

суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказишга қўмаклашаётган суднинг ва ишни кўриб чиқаётган суднинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ходимлари ҳақидаги маълумотлар ҳам кўрсатилиши керак»;

иккинчи ва учинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи ва бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

13) 309-модда:

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш бўйича қарор ахборот тизими орқали электрон ҳужжат тарзида чиқарилиши ва ижро этиш учун юборилиши мумкин»;

саккизинчи қисми тўққизинчи қисм деб ҳисоблансин;

14) 340-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кема ҳайдовчиларини кичик ҳажмли кемаларни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарор ушбу Кодекс 249¹-моддасининг тўртинчи қисмида кўрсатиб ўтилган Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Кичик ҳажмли кемалар инспекциясининг мансабдор шахслари томонидан ижро этилади»;

15) 341-модданинг учинчи қисмидаги «кичик ҳажмли кемалар давлат инспекцияси» деган сўзлар «Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Кичик ҳажмли кемалар инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган **«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги 221–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 59-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 4, 183-модда; 2010 йил, № 10, 380-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 23-модданинг учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 26-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул

қилинган **«Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»**-ги 824–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 338-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **16-модданинг тўртинчи хатбошисидаги** «офатлар ва ҳалокатлар» деган сўзлар «офатлар, ҳалокатлар ва ёнғинлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **23-моддадаги** «ихтисослашган авария-қутқарув» деган сўзлар «қутқарув» деган сўз билан алмаштирилсин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган **«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги 223–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ–370-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 128-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **44-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **109-модданинг учинчи қисми** чиқариб ташлансин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган **«Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»**ги 120–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7-8, 212-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2011 йил, № 4, 98-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 8, 470-модда, № 9, 591-модда) **20-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган **«Хўжалик ширкатлари тўғрисида»**ги 308–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 7, 325-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил,

№ 3, 166-модда) **26-моддаси учинчи қисмининг иккинчи жумласи** чиқариб ташлансин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган «**Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида**»ги 310–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда, № 12, 598-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар; 2019 йил, № 3, 166-модда) **46-моддасининг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин.

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида**»ги 712–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлда қабул қилинган ЎРҚ–483-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 428-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **11-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Республика тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш маркази ҳамда унинг ҳудудий филиаллари негизида тадбиркорлик субъектларини ўқитишни ва кадрлар тайёрлашни ташкил этади»;

2) **31-модданинг учинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат активларини бошқариш, трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жамғармасидан келиб тушадиган, фақат тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан тадбиркорлар учун ташкил этиладиган ўқув курсларини молиялаштириш учун мақсадли йўналтириладиган маблағлар».

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган «**Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида**»ги ЎРҚ–163-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июнда қабул қилинган ЎРҚ–387-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 6, 227-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 4, 199-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг бешинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **10-модда учинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва

рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **18-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қимматли қоғозлар муомаласи қимматли қоғозлар бозорида юридик ва жисмоний шахслар томонидан битимлар тузиш орқали амалга оширилади. Бунда акцияларнинг олди-сотди битимлари қимматли қоғозларнинг уюшган савдосида амалга оширилади, бундан акциядорларнинг талабига кўра акцияларнинг акциядорлик жамияти томонидан қайтариб сотиб олиниши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида белгиланган ҳоллар мустасно».

15-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 23 апрелда қабул қилинган «**Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–213-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 4, 140-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **6-модданинг учинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **9-модданинг номидаги ва иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси»** ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси» деган сўзлар тегишинча «**Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги**» ва «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 сентябрда қабул қилинган «**Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида**»ги ЎРҚ–226-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 9, 340-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 9, 589-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модда** қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ёнғин-қутқарув бўлинмаси — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг фавқулодда вазиятлар ва ёнғинларни профилактика қилиш ҳамда бартараф этиш, шунингдек қутқарув ишларини бажариш мақсадида ташкил этилган бўлинмаси»;

2) **6-модданинг:**

биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматидир (бундан буён матнда Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигидир (бундан буён матнда

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми:

биринчи хатбошисидаги «Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати» деган сўзлар «Фавқулодда вазиятлар вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошисидаги «лойиҳалари ишлаб чиқилишида иштирок этади» деган сўзлар «лойиҳаларини ишлаб чиқади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги техник регламентлар, стандартлар, нормалар, қоидаларни ва бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади»;

учинчи қисмидаги «Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати» деган сўзлар «Фавқулодда вазиятлар вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **13-модданинг иккинчи қисмидаги** «Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати» деган сўзлар «Фавқулодда вазиятлар вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **15-модданинг:**

иккинчи қисмидаги «Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати» деган сўзлар «Фавқулодда вазиятлар вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати бошқарув органлари ва бўлинмаларининг» деган сўзлар «Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бошқарув органлари ва ёнғин-қутқарув бўлинмаларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмаларининг» деган сўзлар «Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ёнғин-қутқарув бўлинмаларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи қисмидаги «Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмалари» деган сўзлар «Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ёнғин-қутқарув бўлинмалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўнинчи қисмидаги «Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг» деган сўзлар «Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **18-модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларидаги** «Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати» деган сўзлар «Фавқулодда вазиятлар вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **19-модданинг биринчи қисмидаги** «Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати» деган сўзлар «Фавқулодда вазиятлар вазирлигини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **22-модданинг учинчи қисмидаги** «Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати» деган сўзлар «Фавқулодда вазиятлар вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **28-модданинг:**

биринчи қисмидаги «Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати» деган

сўзлар «Фавқулодда вазиятлар вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг бўлинмалари» деган сўзлар «Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг бошқарув органлари ва ёнғин-қутқарув бўлинмалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми чиқариб ташлансин;

9) **29 ва 30-моддалар** чиқариб ташлансин;

10) **31-модданинг иккинчи қисмидаги** «Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати» деган сўзлар «Фавқулодда вазиятлар вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **34-модданинг:**

иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати» деган сўзлар «Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг давлат ёнғин назорати органлари бўлган бўлинмалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг объектларида, ўрмон хўжаликлари ҳудудларида, кон қазилмалари ва шахта иншоотларида, портловчи материаллар ишлаб чиқарилаётганда, ташилаётганда, сақланаётганда, улардан фойдаланилаётганда ва улар утилизация қилинаётганда, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллардан фойдаланган ҳолда портлатиш ишларини олиб боровчи ташкилотларда, ҳаво, сув, темир йўл, автомобиль транспортдан ҳамда электр транспортдан фойдаланилаётганда давлат ёнғин назоратини амалга ошириш тартиби Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва тегишли ваколатли органлар ўртасидаги келишувлар билан белгиланади»;

12) **36-модданинг:**

биринчи қисмидаги «Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати бошқарув органлари ҳамда бўлинмаларининг» деган сўзлар «Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бошқарув органлари ҳамда ёнғин-қутқарув бўлинмаларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ташкилотлар билан тузилган шартномалар асосида ташкил этилган бошқарув органлари ва ёнғин-қутқарув бўлинмалари мазкур ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан таъминланади».

17-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрда қабул қилинган «**Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ–344-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 335-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил,

№ 9, 506-модда, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 9, 589-модда) **10-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий разведкасининг»;

бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишинча **олтинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

18-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 4 октябрда қабул қилинган «**Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида**»ги ЎРҚ–354-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 10, 262-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **15-модданинг матнидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **17-модданинг:**

номидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг» деган сўзлар «**Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги ва иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 5, 265-модда, № 8, 470-модда, № 11, 791-модда) **70-моддаси биринчи қисмининг 8-бандига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўққизинчи, ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилар тегишинча **саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

20-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган «**Ички ишлар органлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–407-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 272-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда;

2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 588, 591-моддалар, № 10, 674-модда) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **4-модданинг:**

ўн иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

ўн учинчи — ўн еттинчи хатбошилари тегишинча **ўн иккинчи — ўн олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) **16-модда биринчи қисмининг ўттиз учинчи хатбошисида-**

ги «ёнғинларни ўчириш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **17-модда биринчи қисмининг:**

ўттиз саккизинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

ўттиз тўққизинчи — қирқ учинчи хатбошилари тегишинча **ўттиз саккизинчи — қирқ иккинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

ўттиз саккизинчи хатбошисидаги «ички, рухсатнома билан кириш ва ёнғинга қарши режимга» деган сўзлар «ички режимга ва рухсатнома билан кириш режимга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

21-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 5 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида**»ги ЎРҚ-471-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 219-модда) **37-моддасининг учинчи қисми** чиқариб ташлансин.

22-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

23-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

Ушбу Қонун 6-моддасининг 1 — 5, 9, 10, 14, 15-бандлари, 8, 16 ва 20-моддалари мазкур Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 24 декабрь,
ЎРҚ-597-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

918 Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 9 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 14 декабрда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси**

Ушбу Қонуннинг мақсади чет эллик ҳамда маҳаллий инвесторлар томонидан амалга ошириладиган инвестициялар ва инвестиция фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонун марказлаштирилган инвестициялар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солмайди.

Концессия фаолияти, маҳсулот тақсимотига оид битимлар тузиш, уларни бажариш ва бекор қилиш, инвестиция, пай ва венчур фондлари, капитал бозорини, шу жумладан қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни тартибга солиш, давлат-хусусий шериклик, махсус иқтисодий зоналар соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар алоҳида қонунлар билан тартибга солинади.

2-модда. Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

инвестиция лойиҳаси — иқтисодий, ижтимоий ва бошқа фойда олиш учун инвестицияларни амалга оширишга ёхуд жалб этишга қаратилган, ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуи;

инвестиция мажбурияти — белгиланган мақсадларга эришиш учун инвестор томонидан қабул қилинадиган мажбурият;

инвестиция сиёсати — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ва унинг алоҳида тармоқларида инвестицияларнинг зарур даражасини ва тўғри қилиниши таъминлашга, инвестиция фаолияти субъектларининг инвестиция

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 декабрда эълон қилинган.

манбаларини топишга ва улардан фойдаланишнинг устувор тармоқларини аниқлашга йўналтирилган инвестициявий фаоллигини оширишга доир ўзаро боғлиқ тадбирлар мажмуи;

инвестиция фаолияти — инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи;

инвестиция фаолиятининг иштирокчиси — инвестицияларнинг амалга оширилишини буюртмаларни бажарувчи сифатида ёки инвесторнинг топшириғи асосида таъминлайдиган инвестиция фаолияти субъекти;

инвестиция шартномаси — инвестиция фаолияти субъектлари ўртасида тузиладиган, инвестиция шартномаси тарафларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайдиган ёзма битим;

инвестициялар — инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

маблағларни, шу жумладан пул маблағларини (шу жумладан чет эл валютасини), мақсадли банк омонатларини, пайларни, улушларни, акцияларни, облигацияларни, векселлар ва бошқа қимматли қоғозларни;

кўчар ва кўчмас мол-мулкни (бинолар, иншоотлар, ускуналар, машиналар ва бошқа моддий қимматликларни);

интеллектуал мулкка доир мулккий ҳуқуқларни, шу жумладан у ёки бу ишлаб чиқариш турини ташкил этиш учун зарур бўлган, техник ҳужжатлар, кўникмалар ва ишлаб чиқариш тажрибаси тарзида расмийлаштирилган, патентланган ёки патентланмаган (ноу-хау) техник, технологик, тижоратга оид ва бошқа билимларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа қимматликларни;

инвестор — фойда олиш мақсадида инвестиция фаолияти объектларига ўзининг маблағларини ва (ёки) қарз маблағларини ёхуд жалб қилинган бошқа инвестиция ресурсларини инвестиция қилишни амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъекти;

маҳаллий инвесторлар — инвестиция фаолиятини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси резиденти мақомига эга бўлган чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шу жумладан яқка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари;

реинвестициялар — инвестициялардан олинган, тадбиркорлик фаолияти ва бошқа фаолият турлари объектларига киритиладиган ҳар қандай даромад, шу жумладан фойда, фоизлар, дивидендлар, роялти, лицензия ва воситачилик ҳақлари, техник ёрдам, техник хизматлар учун тўловлар ва ҳақларнинг бошқа турлари;

тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари — чет эллик инвесторнинг ҳукумат кафолатларисиз, таваккалчилик шароитларида ўз маблағлари ёки қарз маблағлари ҳисобидан инвестициялари;

чет эл инвестициялари — чет эллик инвестор томонидан ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар;

чет эллик инвесторлар — чет давлатлар, чет давлатларнинг маъмурий ёки ҳудудий органлари, давлатлар ўртасидаги битимларга ёки бошқа шартномаларга мувофиқ тузилган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъекти бўлган халқаро ташкилотлар, чет давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган ва фаолият кўрсатадиган юридик шахслар, ҳар қандай бошқа ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар, чет давлат фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар — акцияларининг (улушларининг, пайларининг) ёки устав фондининг (устав капиталининг) камида ўн беш фоизини чет эл инвестициялари ташкил этадиган корхоналар.

4-модда. Инвестициялар ва инвестиция фаолиятининг асосий принциплари

Инвестициялар ва инвестиция фаолиятининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- қонунийлик;
- ошкоралик ва очиқлик;
- инвестиция фаолиятини амалга ошириш эркинлиги;
- адолатлилик ва инвестиция фаолияти субъектларининг тенглиги;
- инвесторларга нисбатан камситишга йўл қўймаслик;
- инвесторларнинг виждонлилиги презумпцияси.

Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий принциплари инвестиция қилиш ва инвестиция фаолиятини амалга ошириш жараёнининг барча босқичларида қўлланилади.

2-боб. Инвестициялар, инвестиция фаолиятининг объектлари ва субъектлари

5-модда. Инвестицияларнинг мўлжалланган объектига кўра турлари

Инвестициялар мўлжалланган объектига кўра капитал, молиявий ва ижтимоий турларга бўлинади.

Асосий фондларни яратиш ва такрор қўпайтиришга, шу жумладан янги қурилишга, модернизация қилишга, реконструкция қилишга, техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, шунингдек моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шакллари ривожлантиришга киритиладиган инвестициялар капитал инвестициялар жумласига киради.

Акциялар, корпоратив, инфратузилмавий ва давлат облигацияларига,

шунингдек қимматли қоғозларнинг бошқа турларига киритиладиган инвестициялар молиявий инвестициялар жумласига киради.

Инсон салоҳиятини, кўникмаларини ва ишлаб чиқариш тажрибасини ривожлантиришга, шунингдек номоддий бойликларнинг бошқа шакллари ривожлантиришга киритиладиган инвестициялар ижтимоий инвестициялар жумласига киради.

6-модда. Инвестицияларни амалга ошириш шакллари

Инвестицияларни амалга ошириш шакллари қуйидагилардан иборат: юридик шахсларни ташкил этиш ёки уларнинг устав фондларида (устав капиталларида) улушли тарзда, шу жумладан мол-мулк ва акциялар (улушлар) сотиб олиш йўли билан иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қимматли қоғозларни, жумладан қарз мажбуриятларини олиш;

концессияларни олиш, шу жумладан табиий ресурсларни қидириш, ўзлаштириш, қазиб олиш ёки улардан фойдаланишга доир концессияларни олиш, шунингдек маҳсулот тақсимотига оид битимларда иштирок этиш;

мулк ҳуқуқини, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган мулк ҳуқуқини, муаллифлик ҳуқуқларини, патентлар, товар белгилари, фойдали моделлар, саноат намуналари, фирма номлари ва ноу-хау, ишчанлик обрўсини (гудвилли), шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларига бўлган мулк ҳуқуқини улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда олиш;

ер участкаларига эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш (шу жумладан ижара асосида эгалик қилиш ва фойдаланиш) ҳамда бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини олиш.

Инвесторлар қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шаклларда ҳам инвестицияларни амалга ошириши мумкин.

Инвестиция фаолияти инвестициялар киритишнинг турли шакллари бирлаштириш воситасида амалга оширилиши мумкин.

Инвестицияларнинг бирламчи ёки такроран киритиладиган шакллари ўзгартирилиши уларнинг инвестиция сифатидаги даражаси ўзгаришига олиб келмайди.

7-модда. Инвестиция ресурслари

Инвестиция ресурслари жумласига қуйидагилар киради:

пул маблағлари (шу жумладан чет эл валютаси) ва бошқа молиявий маблағлар, шу жумладан кредитлар, пайлар, улушлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар;

кўчар ва кўчмас мол-мулк (бинолар, иншоотлар, ускуналар, машиналар ва бошқа моддий қимматликлар) ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар;

интеллектуал мулк объектлари, шу жумладан у ёки бу турдаги ишлаб чиқариш турини ташкил этиш учун зарур бўлган, техник ҳужжатлар, кўникмалар ва ишлаб чиқариш тажрибаси тарзида расмийлаштирилган,

патентланган ёки патентланмаган (ноу-хау) техник, технологик, тижоратга оид ва бошқа билимлар;

ер участкаларига ва бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек мулк ҳуқуқларидан келиб чиқувчи бошқа ашёвий ҳуқуқлар.

8-модда. Инвестиция фаолиятининг объектлари

Ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа фаолият турларининг объектлари инвестиция фаолияти объектларидир.

Барпо этилиши ва фойдаланилиши қонун ҳужжатларида белгиланган санитария-гигиена, радиация, экология, архитектура-шаҳарсозлик талабларига ва бошқа талабларга жавоб бермайдиган, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган объектларга инвестиция қилиш тақиқланади.

9-модда. Инвестиция фаолиятининг субъектлари

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, якка тартибдаги тадбиркорлари ва юридик шахслари — резидентлари, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, чет давлатлар, чет давлатларнинг маъмурий ёки ҳудудий органлари, халқаро ташкилотлар ҳамда чет эллик юридик шахслар ва фуқаролар, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар инвестиция фаолиятининг субъектларидир.

10-модда. Инвесторнинг ҳуқуқлари

Инвестор:

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган инвестиция фаолиятини эркин амалга оширишга, инвестиция қилишни амалга ошириш ҳажмларини, турларини, шакллари, соҳасини ва йўналишларини мустақил равишда белгилашга;

инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузишга;

ўз инвестицияларига ва инвестиция фаолияти натижаларига эгалик қилишга, улардан фойдаланишга ҳамда уларни тасарруф этишга, шунингдек инвестиция фаолияти натижаларини сотишга ва олиб чиқишга;

инвестиция фаолияти натижасида олинган даромадларни солиқлар, йиғимлар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлар (бундан буён матнда солиқлар ва тўловлар деб юритилади) тўланганидан сўнг мустақил ва эркин тарзда тасарруф этишга;

ўзи қабул қилган барча турдаги мажбуриятларнинг, шу жумладан қарз маблағларини жалб этишга қаратилган мажбуриятларнинг таъминоти сифатида ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк ва ҳар қандай мулкӣ ҳуқуқлардан фойдаланишга;

ўз инвестициялари ва бошқа активлари реквизиция (экспроприация) қилинган тақдирда муносиб компенсация олишга;

кредитлар ва қарзлар тарзидаги пул маблағларини жалб этишга;
давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва улар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари натижасида етказилган зарарлар учун товон олишга ҳақли.

11-модда. Инвесторнинг мажбуриятлари

Инвестор:

солиқлар ва тўловларни тўлаши;

инвестиция қилиш муносабати билан ўзи қабул қилган шартнома мажбуриятларини бажариши;

қонун ҳужжатлари талабларига, шу жумладан рақобат тўғрисидаги, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги, инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисидаги, меҳнат тўғрисидаги, шаҳарсозлик тўғрисидаги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига, шунингдек техника хавфсизлигига, санитария нормалари ва қоидаларига риоя этиши;

шартнома шартларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли инвестиция фаолияти иштирокчисига етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаши;

ваколатли давлат бошқаруви органларининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз ваколатлари доирасида қўйиладиган талабларини бажариши шарт.

12-модда. Инвестиция фаолияти иштирокчисининг ҳуқуқлари

Инвестиция фаолиятининг иштирокчиси:

биржа, танлов ва тендер савдоларининг, электрон дўконларнинг ва ким ошди савдоларининг иштирокчиси бўлишга;

инвесторлар билан уларнинг буюртмаларини бажариш юзасидан шартномалар тузишга;

агар шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ўзининг инвестор олдидаги мажбуриятларини бажаришга бошқа шахсларни жалб қилишга ҳақли.

13-модда. Инвестиция фаолияти иштирокчисининг мажбуриятлари

Инвестиция фаолиятининг иштирокчиси:

қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар, қоидалар ва стандартларга, шу жумладан рақобат тўғрисидаги, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги, инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисидаги, меҳнат тўғрисидаги, шаҳарсозлик тўғрисидаги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиши;

шартнома шартларини ўз вақтида ва лозим даражада бажариши;

шартнома шартларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли инвесторга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаши;

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз ваколатлари доирасида қўйиладиган талабларини бажариши шарт.

14-модда. Инвестиция фаолиятида нархни шакллантириш

Инвестиция фаолияти жараёнида товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати шартномавий нархлар бўйича белгиланади, бундан қонун ҳужжатларида қатъий белгиланган нархлар мустасно.

Инвестиция қилиш объекти бўлган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) нархлари биржа, танлов, ким ошди савдоларида ва бошқа уюшган савдоларда ҳам шакллантирилиши мумкин.

Биржа, танлов, ким ошди савдоларида ва бошқа уюшган савдоларда шаклланган, реализация қилинадиган давлат активларининг нархлари, мазкур активларнинг баланс ва баҳоланган қийматидан қатъи назар, бозор нархлари деб тан олинади.

3-боб. Инвестиция фаолияти субъектлари ҳуқуқларининг давлат кафолатлари ва инвестицияларни ҳимоя қилиш**15-модда. Инвестиция фаолияти субъектлари ҳуқуқларининг кафолатлари**

Давлат инвестиция фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини кафолатлайди. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари инвестиция субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилаётган фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

Агар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари инвестиция фаолияти субъектларининг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилганлигини аниқласа, улар ўзлари ваколатли бўлган ва муайян қоидабузарликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чораларни кўриши мумкин.

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик мавжудлиги фактидан инвестиция фаолияти субъектларининг инвестиция фаолиятига боғлиқ бўлмаган бошқа қонуний фаолиятига аралашиш ёки уни чеклаб қўйиш учун асос сифатида фойдаланиши мумкин эмас.

Давлат инвесторларнинг фуқаролиги, яшаш жойи, иқтисодий фаолиятни амалга ошириш жойи билан боғлиқ ҳолда, шунингдек инвесторларнинг ёки инвестицияларнинг келиб чиқиш мамлакатига қараб инвесторларни камситишга йўл қўймасликни кафолатлайди.

Инвестор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги керак. Бунда давлат тадбиркорлик субъектининг ҳамтаъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) сифатида бошқа таъсисчилар (акциядорлар, иштирокчилар) каби тенг ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади.

Ушбу модданинг қоидалари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига мувофиқ белгиланадиган Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқ қонун ҳужжатларини қабул қилишга, ўзгартиришга, тўлдиришга ёхуд бекор қилишга нисбатан татбиқ этилмайди.

16-модда. Маблағлардан фойдаланиш кафолатлари

Инвестиция фаолияти субъектининг инвестиция фаолияти натижасида олинган даромадлари солиқлар ва тўловлар тўланганидан кейин унинг хоҳишига кўра реинвестиция қилиниши ёки улардан бошқа ҳар қандай усулда фойдаланилиши мумкин.

Чет эл ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг хисобварақларидаги маблағлардан фойдаланишни давлат органлари томонидан чеклаш ёхуд уларни мажбуран ечиб олиш фақат қонунда белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

17-модда. Маблағларни эркин ўтказиш кафолатлари

Инвесторларга солиқлар ва тўловларни тўлаш шarti билан чет эл валютасидаги маблағларни Ўзбекистон Республикасига ва Ўзбекистон Республикасидан чекловларсиз эркин ўтказиш, шу жумладан валютани репатриация қилиш учун айирбошлаш кафолатланади. Бундай ўтказмалар қуйидагиларни ўз ичига олади:

чет эл инвестицияларини сақлаб туриш ёхуд кўпайтириш учун бошланғич ва қўшимча суммалар;

инвестицияларни амалга оширишдан олинган даромад;

етказилган зарарларнинг ўрнини ушбу Қонунга мувофиқ қоплаш сифатида олинган маблағлар;

шартномалар шартларини бажариш тартибида амалга оширилган тўловлар;

чет эл инвестицияларини тўлиқ ёки қисман сотишдан тушган тушум;

низони ҳал қилиш оқибатида, шу жумладан ҳар қандай суд ёки арбитраж қарори оқибатида юзага келадиган тўловлар;

ходимларнинг иш ҳақи ва бошқа тўловлари;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалардан олинган маблағлар.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳамда халқаро шартномаларига мувофиқ давлат чет эллик инвесторнинг маблағларини репатриация қилишни чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона тўловга лаёқатсиз ва банкрот бўлган ёки кредиторларнинг ҳуқуқлари бузилган, жисмоний шахс бўлган чет эллик инвестор томонидан жиноий қилмишлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилган ҳолларда ёхуд суд ёки арбитраж қарорига мувофиқ шундай репатриация қилишни тўхтатиб туришнинг бошқа зарурати бўлганда қонун ҳужжатларини инвесторларни камситмайдиган тарзда қўллаш шартлари асосида тўхтатиб туриши мумкин.

18-модда. Инвестиция фаолияти тугатилиши муносабати билан чет эл инвестицияларини қайтариш кафолатлари

Чет эллик инвестор Ўзбекистон Республикасидаги инвестиция фаолиятини тугатиш ҳуқуқига эга.

Чет эллик инвестор инвестиция фаолиятини тугатгандан сўнг инвестиция фаолиятини тугатиш натижасида олинган ўз активларини нақд пул ёки

натурал шаклда чет эллик инвесторнинг Ўзбекистон Республикасига ёхуд бошқа кредиторларга нисбатан мажбуриятларини бажариш учун зарар етказмаган ҳолда эркин репатриация қилиш ҳуқуқига эга.

19-модда. Қонун ҳужжатларининг инвестор учун ноқулай ўзгаришларига қарши кафолатлар

Агар қонун ҳужжатларининг бажарилиши инвесторга ёки инвестицияларга зарар етказадиган бўлса, ушбу қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга бўлмайди.

Агар Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонун ҳужжатлари инвестиция қилиш шарт-шароитларини ёмонлаштира, инвестиция қилиш санасида амалда бўлган қонун ҳужжатлари чет эл инвесторларига нисбатан инвестиция қилиш пайтидан эътиборан ўн йил мобайнида қўлланилади. Инвестор ўзининг инвестиция қилиш шарт-шароитларини яхшилайдиган янги қонун ҳужжатлари қоидаларини ўз хоҳишига кўра қўллаш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонун ҳужжатлари инвестиция қилиш шарт-шароитларини ёмонлаштирган тақдирда, инвестиция қилиш пайтида амалда бўлган қонун ҳужжатларини ўн йил мобайнида қўллаш тўғрисидаги кафолат қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

репатриация тартиб-таомилини мураккаблаштирувчи ёки инвесторнинг чет элга ўтказиладиган даромадлари (фойдаси) миқдорини камайтирувчи қўшимча талаблар жорий этилганда, бундан инвесторнинг маблағларини репатриация қилишни чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона тўловга лаёқатсиз ва банкрот бўлган ёки кредиторларнинг ҳуқуқлари бузилган, жисмоний шахс бўлган чет эллик инвестор томонидан жиноий қилмишлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилган ҳолларда ёхуд суд ёки арбитраж қарорига мувофиқ шундай репатриация қилишни тўхтатиб туришнинг бошқа зарурати бўлганда қонун ҳужжатларини инвесторларни камситмайдиган тарзда қўллаш шартлари асосида тўхтатиб туриш мустасно;

инвестиция қилишни амалга ошириш ҳажмларига сон жиҳатдан чекловлар ва инвестицияларнинг миқдори бўйича бошқа қўшимча талаблар, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда чет эл инвестицияларининг энг кам миқдорини кўпайтириш тарзидаги қўшимча талаблар жорий этилганда;

чет эллик инвесторнинг Ўзбекистон Республикаси корхоналарининг устав фондларидаги улушли иштироки бўйича чекловлар жорий этилганда;

чет эллик инвесторларнинг визаларини расмийлаштириш ва узайтириш бўйича қўшимча тартиб-таомиллар, шунингдек чет эл инвестицияларини амалга ошириш бўйича бошқа қўшимча талаблар жорий этилганда.

Инвестор учун ноқулай ўзгаришларга қарши кафолатларнинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда бошланади:

корхона ташкил этилганда — у давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан;

мол-мулкни, улушларни, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари томонидан эмитентланган акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни, сав-

до ва хизмат кўрсатиш объектларига, турар жойларга ва улар жойлашган ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини, шунингдек ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш (жумладан, ижара асосида эгалик қилиш ва фойдаланиш) ҳамда табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини олишда — мулк ҳуқуқини ёки бошқа ашёвий ҳуқуқни мустаҳкамловчи ҳужжат кучга кирган санадан эътиборан;

интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларни, шу жумладан муаллифлик ҳуқуқларини, патентларни, товар белгиларини, фойдали моделларни, саноат намуналарини, фирма номларини ва ноу-хауни, шунингдек ишчанлик обрўсини (гудвиллни) киритишда — интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжат кучга кирган санадан эътиборан;

концессияларни, шу жумладан табиий ресурсларни кидиришга, ўзлаштиришга, казиб олишга ёхуд улардан фойдаланишга доир концессияларни олишда — концессия шартномаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган санадан эътиборан;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан тузилган инвестиция шартномасида бир вақтнинг ўзида инвестиция мажбуриятларини мустаҳкамлаб қўйган ҳолда инвестиция қилишда — шартнома кучга кирган санадан эътиборан;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шаклларда инвестиция қилишда — инвестор томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолияти амалга оширилаётганлигини тасдиқловчи ҳужжат кучга кирган санадан эътиборан.

Ушбу модда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принципларига мувофиқ белгиланадиган Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлигига доир манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш билан бевосита боғлиқ бўлган қонун ҳужжатларини қабул қилишга, ўзгартиришга, тўлдиришга ёхуд бекор қилишга нисбатан татбиқ этилмайди.

20-модда. Ошкоралик ва очиқликни таъминлаш кафолатлари

Ҳамманинг эътибори учун расмий равишда эълон қилинмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжатлар сифатида ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди ва инвестициявий муносабатларни тартибга солиш, ушбу ҳужжатлардаги кўрсатмаларни бажармаганлик учун инвестиция фаолияти субъектларига нисбатан бирор-бир санкция қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари оммавий ахборот воситалари орқали, шу жумладан ўз расмий веб-сайтида инвестиция фаолияти соҳасида ўзининг иштироки ва қабул қилинган қарорлар тўғрисидаги ахборотни эълон қилиши шарт.

Жисмоний ва юридик шахсларга очиқлик ҳамда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг инвестиция фаолияти соҳасидаги фаолияти тўғрисида ва ўзлари қабул қилаётган қарорлар тўғрисидаги ахборотдан монеликсиз фойдаланиш имконияти таъминланади.

21-модда Инвестицияларни ҳимоя қилиш

Давлат инвестицияларнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Инвесторларнинг инвестициялари ва бошқа активлари национализация қилинмайди.

Инвесторларнинг инвестициялари ва бошқа активлари реквизиция (экспроприация) қилинмайди, бундан табиий офатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизоотийлар ва фавқулодда хусусиятга эга бўлган бошқа ҳоллар мустасно.

Инвестицияларни реквизиция ва экспроприация қилиш тўғрисидаги қарор реквизиция ёки экспроприация қилишнинг қуйидаги талабларига риоя қилинган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади:

инвесторларнинг ушбу модда учинчи қисмида кўрсатилган ҳолатлардан келиб чиқадиган вазифаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган инвестициялари ёки бошқа активларининг минимал ҳажми билан чекланса;

камситилмайдиган асосда амалга оширилса;

етказилган зарарга монанд компенсация тўлаш билан бирга амалга оширилса. Давлат мазкур компенсация тўловлари ўз вақтида амалга оширилишининг кафили сифатида иш юритади.

Инвестор суд ва арбитраж тартибида, хусусан, қуйидагилар юзасидан низолашишга ҳақли:

реквизицияни (экспроприацияни) амалга ошириш учун фойдаланиладиган мақсаднинг қонунийлиги;

реквизициянинг (экспроприациянинг) миқдори;

реквизиция (экспроприация) қилинаётган инвестицияларни ва бошқа активларни баҳолаш;

тўланиши лозим бўлган компенсация тўловининг мувофиқлиги;

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари реквизицияни (экспроприацияни) амалга ошириш чоғида риоя этган тартиб-таомил.

Инвесторларнинг инвестицияларини ва таваккалчиликларини суғурта-лаш ихтиёрий асосда амалга оширилади.

22-модда. Инвестицияларни ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатлари ва чоралари

Инвестицияларни ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатлари ва чоралари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан кафолатлар беришни, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга қўмаклашишни, махсус солиқ ва тўлов режимини яратишни, инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши юзасидан давлат мониторинги ўтказилишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан тузилган инвестиция шартномаларига асосан бошқа чораларни ўз ичига олиши мумкин.

23-модда. Зиддиятли қоидалар

Ушбу Қонуннинг қоидалари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари ёки халқаро шартномалари ўртасида бирор-бир номувофиқлик бўлган тақдирда, инвесторлар учун энг қулай бўлган қоидалар устувор кучга эга бўлади.

4-боб. Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш**24-модда. Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш мақсадлари**

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш Ўзбекистон Республикасини ва унинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг давлат вазифалари бажарилишини таъминлайдиган инвестиция сиёсатини амалга ошириш, инвестициялар самарадорлигини ошириш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги турли инвестиция объектларига қўйилмалар учун хавфсиз шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

25-модда. Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш усуллари

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш қўйидагилар орқали амалга оширилади:

инвестиция фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

инвестиция фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг кафолатларини тақдим этиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида махсус иқтисодий зоналарни ва кичик саноат зоналарини барпо этиш;

асосий фондларни тезлаштирилган амортизация қилиш ҳуқуқини бериш;

техник жиҳатдан тартибга солиш нормалари, қоидалари ва талабларини белгилаш;

рақобатни қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш;

ер участкаларига ва бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш шартларини белгилаш.

Инвесторларга бозорда уларни устувор мавқега қўювчи мутлақ қоидалар ва ҳуқуқлар берилишига йўл қўйилмайди.

26-модда. Инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органи

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги

инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органидир.

Инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органининг асосий ваколатлари қуйидагилардан иборат:

салоҳиятли инвесторларга фаолиятининг ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа масалалари бўйича маслаҳат бериш ҳамда уларга юзага келадиган масалаларни ҳал этишда зарур ёрдам ва қўмак кўрсатиш;

ягона давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш ҳамда инвестиция фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

ҳамкорлик йўналишларини ва лойиҳаларини мажбурий равишда келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва ҳўжалик бошқаруви органларининг чет эл ваколатли органлари, чет эл ҳукумат молия ташкилотлари ҳамда халқаро молия институтлари, шунингдек компаниялар ва салоҳиятли чет эллик инвесторлар билан инвестициявий ҳамкорлик масалаларига доир ўзаро алоқаларни таъминлаш;

инвесторлар билан доимий икки томонлама алоқани таъминлаш, ҳудудлар ва маҳаллий юридик шахсларга инвестицияларни жалб қилишда қўмаклашиш, инвестиция таклифлари ишлаб чиқирилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодалаш ва халқаро инвестиция ҳамжамиятлари ишида иштирок этиш;

инвестицияларни жалб қилиш, инвестиция муҳитини ривожлантириш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги инвестиция фаолиятини такомиллаштириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиш.

27-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини тартибга солиш бўйича ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида ҳамда инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органининг ҳудудий бўлинмалари билан биргаликда қуйидагиларни амалга оширади:

маҳаллий даражада мамлакатнинг тегишли ҳудудига инвестиция қилиш ҳажмларини кенгайтиришни рағбатлантиришга қаратилган инвестиция сиёсатини олиб бориш, шу жумладан инвестицияларни жалб қилиш, ҳудудда инвестиция муҳитини янада такомиллаштириш, тегишли ҳудуддаги корхоналарнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш;

инвестиция қилишни талаб қиладиган истиқболли лойиҳаларни, шунингдек бўш турган давлат мулки объектларини ҳамда ер участкаларини ҳудудларнинг эҳтиёжлари ва салоҳиятидан (ресурс, табиий-иқлим, меҳнат ва ҳ.к.) келиб чиққан ҳолда ўрганиш ва аниқлаш;

инвесторларнинг фаолияти билан бевосита боғлиқ масалаларни, шунинг-

дек зарур ҳолларда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш восита-сида истикболли тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини амалга ошириш бўйича таклифларни кўриб чиқиш;

тегишли ҳудуддаги инвестиция лойиҳаларини, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга оширишга тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш, уларни ҳал этиш бўйича тезкор чоралар кўриш;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар фаолиятини, шунингдек инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилишини таҳлил қилиш асосида тегишли ҳудуднинг иқтисодиётига жалб этилаётган инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

тегишли ҳудуднинг чет эл банклари, фондлар, агентликлар ва компаниялар билан инвестициявий ҳамкорлик йўналишларини ўзаро манфаатли асосда ривожлантириш ва диверсификация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

инвестицияларни тегишли ҳудудга жалб этиш бўйича асосий йўналишларни ва янада қулай шарт-шароитлар яратиш учун чет эл инвестицияларини жалб қилиш соҳасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш.

28-модда. Инвестициялар жалб этишни амалга оширувчи давлат органларининг функциялари

Инвестицияларни жалб этиш, амалга ошириш ва ҳимоя қилиш мақсадида инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органи, бошқа давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятининг имкониятлари ва шарт-шароитлари ҳақидаги ахборотни тайёрлайди ҳамда тарқатади;

салоҳиятли инвесторларга фаолиятининг ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа масалалари бўйича маслаҳат беради ҳамда уларга юзага келадиган масалаларни ҳал этишда зарур ёрдам ва кўмак кўрсатади;

чет эл инвестициялари масалалари бўйича халқаро муносабатларда ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси номидан иш юритади.

29-модда. Инвесторлар фаолиятини назорат қилиш бўйича давлат органларининг ваколатлари

Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига инвесторлар ва инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан роя этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ваколат берган давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Назорат функцияларини амалга оширишда давлат органи тижорат сири сақланишини таъминлаши шарт.

**5-боб. Инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини
давлат томонидан қўллаб-қувватлаш**

**30-модда. Инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини дав-
лат томонидан қўллаб-қувватлашнинг мақсад ва
усуллари**

Инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қулай инвестиция муҳитини яратиш, янги рақобатбардош ҳамда инновацион, экспортга йўналтирилган ва (ёки) импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ташкил этишга доир инвестицияларни рағбатлантириш, мавжуд ишлаб чиқаришларни замонавий технологияларни қўллаган ҳамда замонавий бошқарув тажрибасини жорий этган ҳолда кенгайтириш ва янгилаш мақсадида амалга оширилади.

Инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қуйидаги усулларда амалга оширилади:

имтиёзлар ва преференциялар қўллаш;

инвестиция лойиҳасини биргаликда молиялаштириш учун марказлаштирилган инвестициялар ажратиш;

молиявий, маслаҳат бериш ва ахборот жиҳатидан қўллаб-қувватлаш.

**31-модда. Инвесторларга ва инвестициялар иштирокидаги
корхоналарга давлат органлари билан ўзаро ҳам-
корлик қилишда қўмаклашиш**

Инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органи инвесторларга бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишда қўмаклашиш мақсадида ишни «ягона дарча» тамойили бўйича ташкил этади.

Инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органи ва унинг ҳудудий бўлинмалари ишларни «ягона дарча» тамойили бўйича ташкил этиш мақсадида давлат хизматлари кўрсатилишини таъминлайди, шу жумладан тегишли Давлат хизматлари марказлари орқали таъминлайди.

Ишларни «ягона дарча» тамойили бўйича ташкил этиш қуйидагиларни ҳам ўз ичига олади:

мавжуд давлат хизматлари масалалари бўйича қабул қилиш ва маслаҳат бериш;

давлат хизматларини олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштиришда ёрдамлашиш;

электрон рақамли имзони, электрон аризани ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштиришда ёрдамлашиш;

давлат хизматларини олишда инвесторга давлат бошқаруви органларида ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳамроҳлик қилиш.

Инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тadbиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарига

чет эл инвестицияларини ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда улар иштирокида лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда кўмаклашади.

32-модда. Маслаҳат бериш ва ахборот жиҳатидан қўллаб-қувватлаш

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, халқаро молия институтлари ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси ваколатхоналари инвесторларнинг муаммолари ва масалаларини ҳал этиш мақсадида ўз ваколатларига тааллуқли масалалар бўйича уларга маслаҳат ва ахборот ёрдами кўрсатади.

33-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг инвестиция фаолияти соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (бундан буён матнда Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил деб юритилади) инвестиция фаолияти соҳасида:

Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган масалалар бўйича инвесторларнинг ва инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларни ҳал этиш учун тавсиялар беради, шу жумладан мазкур масалада давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилган ҳолда тавсиялар беради;

юзага келадиган масалаларни суддан ташқари ва судга қадар тартибда ҳал этишда инвесторларга кўмаклашади;

инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентига киритади;

инвесторга унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, шу жумладан уларни ҳимоя қилиш шакллари ва усулларига тааллуқли масалаларни тушунтиради;

инвесторларнинг мурожаатлари ва давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эшитувлари натижаларини таҳлил қилади;

қонун ҳужжатларини таҳлил қилади ва инвесторларнинг ҳуқуқларини бузадиган ёки ҳўжалик фаолиятини юритишни қийинлаштирадиган нормаларни аниқлайди ҳамда натижаси бўйича инвесторларнинг бузилган ҳуқуқларини, эркинликларини тиклаш ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун тавсиялар ишлаб чиқади;

тегишли давлат бошқаруви органига инвесторларнинг бузилган ҳуқуқла-

ри, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклашга қаратилган тавсиялар киритади.

Тавсиялар олган давлат бошқаруви органи ва маҳаллий давлат ҳокимияти органи Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга тавсияларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ёзма жавоб тақдим этади.

Зарур бўлган тақдирда, Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан инвесторларнинг ҳамда инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг мурожаатларини кўриб чиқиш учун зарур бўлган ахборотни сўраб олади, бундан давлат сирларини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборот мустасно.

**6-боб. Инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини
давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича имтиёз
ҳамда преференциялар**

**34-модда. Инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини дав-
лат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича имтиёз
ҳамда преференциялар бериш**

Инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун қўлланиладиган имтиёз ҳамда преференциялар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

давлат мулки бўлган объектларни ёки уларга бўлган мулккий ҳуқуқларни имтиёзли ёки нолга тенг харид қиймати бўйича инвесторга бериш;

солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар бериш;

инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун инвестор томонидан олинадиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини субсидиялаш.

Имтиёзлар ва преференциялар қуйидагиларга қараб берилади:

инвестициялар ҳажмига;

инвестиция лойиҳаси амалга ошириладиган жойнинг шарт-шароитларига;

кутилаётган ижтимоий-иқтисодий самарага ва янги иш ўринларини яратишга;

инвестиция лойиҳасини амалга ошириш соҳалари ва тармоқларига.

Солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар қонунда белгиланган тартибда берилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун қўлланиладиган преференциялар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари билан, шу жумладан муниципал объектларга нисбатан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан берилиши мумкин.

Имтиёзлар ва преференциялар тегишли ҳудудга инвестициялар кири-

тишни назарда тутувчи инвесторларга мазкур ҳудуд инфратузилмасининг ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда берилади.

Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилган ҳолда ташкил этилган ва қонун ҳужжатлари билан тасдиқланадиган рўйхат бўйича иқтисодиёт тармоқларида махсулот ишлаб чиқаришга (хизматлар кўрсатишга) ихтисослашган корхоналарга Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига белгиланган тартибда алоҳида солиқлар юзасидан имтиёзлар қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари назарда тутилади.

35-модда. Инвестицияга оид солиқ кредити

Инвесторларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга инвестицияга оид солиқ кредити берилиши мумкин ва ушбу кредит солиқ мажбуриятини бажариш муддатини ўзгартириш шакли бўлиб, бунда солиқ тўловчи бўлган инвесторга белгиланган муддат ичида ушбу инвестор тўлаши керак бўлган солиқ тўловларини кредит суммасини ва ҳисобланган фоизларни Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ кейинчалик босқичма-босқич тўлаган ҳолда камайтириш имконияти берилади.

36-модда. Инвестиция субсидияси

Зарур муҳандислик-коммуникация шароитларини таъминлаш, шунингдек имтиёзлар бериш учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича инвестиция преференцияси тарзида тақдим этиладиган молиявий кўмак сифатида инвестиция субсидиясини бериши мумкин.

Инвесторга зарур муҳандислик-коммуникация шароитлари шаклидаги инвестиция субсидияси инвестиция фаолияти объектига олиб бориладиган ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини Ўзбекистон Республикаси томонидан қуриш йўли билан таъминланади.

Инвестиция субсидияси солиқ ва божхона имтиёзлари сифатида ҳам берилиши мумкин.

Инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда инвесторнинг инвестиция субсидияси бериш тўғрисидаги аризасини Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунида белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматида тақлиф киритади.

7-боб. Марказлаштирилмаган инвестициялар

37-модда. Марказлаштирилмаган инвестицияларнинг манбалари

Марказлаштирилмаган инвестицияларнинг манбалари қуйидагилардан иборат:

инвесторнинг шахсий маблағлари;

Ўзбекистон Республикасининг кафолатисиз олинган, шу жумладан чет эл банкларидан олинган банк кредитлари;
тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари.

Марказлаштирилмаган инвестициялар қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалардан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Марказлаштирилмаган инвестицияларни бошқариш инвестор томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

38-модда. Марказлаштирилмаган инвестицияларни амалга ошириш бўйича қарорлар қабул қилиш

Марказлаштирилмаган инвестицияларни амалга ошириш бўйича қарор инвестор, тижорат банки, шу жумладан чет эл банки томонидан қабул қилинади.

39-модда. Инвестиция лойиҳаларининг экспертизаси

Марказлаштирилмаган инвестициялар ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳалари санитария-гигиена, радиациявий, экологик, архитектура-шаҳарсозлик талаблари ва бошқа талаблар бажарилишига тааллуқли қисми бўйича давлат экспертизасидан ўтказилиши лозим.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг банклар кредит ресурслари ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳалари мазкур инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан тижорат банклари томонидан экспертизадан ўтказилиши лозим.

8-боб. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан тузиладиган инвестиция шартномаси

40-модда. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан инвестиция шартномасини тузиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати чет эллик инвесторлар томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида ўзаро келишувга кўра қўшимча кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари (имтиёз ва преференциялар) бериладиган инвестиция шартномасини тузиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати чет эллик инвесторга инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш доирасида қўшимча кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чораларини (имтиёзлар ва преференцияларни) тақдим этган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан инвестиция шартномаси мажбурий тартибда тузилади.

Чет эллик инвесторларга қўшимча кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари (имтиёз ва преференциялар) ҳар бир аниқ ҳолатда қуйидагиларга инвестиция қилиш чоғида тақдим этилади:

барқарор иқтисодий ўсишни, мамлакат иқтисодиётидаги илғор технологик ўзгаришларни таъминловчи устувор тармоқларга;

Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва

кенгайтиришни, унинг жаҳон ҳўжалик алоқаларига интеграциясини таъминловчи устувор лойиҳаларга.

Бунда солиқлар ва тўловларни тўлаш бўйича қўшимча имтиёзлар чет эллик инвесторлар томонидан ташкил этилган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга фақат аниқ белгиланган муддатга берилади ва бу имтиёзлар муддатсиз хусусиятга эга бўлиши мумкин эмас.

Ушбу модда инвестиция лойиҳалари бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида бир томондан инвестор ва бошқа томондан инвестиция фаолияти субъектлари, шу жумладан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасида тузиладиган, инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш доирасида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қўшимча кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари (имтиёз ва преференциялар) берилишини талаб қилмайдиган инвестиция шартномаларининг амал қилишини ҳеч қандай тарзда чекламайди.

41-модда. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан тузиладиган инвестиция шартномасининг тарафлари

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан тузиладиган инвестиция шартномасининг тарафлари сифатида чет эллик инвестор ҳамда инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органи орқали Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати иш юритади.

42-модда. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан тузиладиган инвестиция шартномасининг шартлари

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан тузиладиган инвестиция шартномаси қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

инвестициялар объекти ва ҳажми, лойиҳанинг бошланиш ҳамда тугалланиш муддатлари;

инвестиция шартномасининг амал қилиш муддати ва шартлари;

коррупцияга ва монополияга қарши курашиш шarti;

чет эллик инвесторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шу жумладан инвестиция қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, маҳаллийлаштириш, маҳсулотнинг сифати, товарлар ва хизматлар экспортининг ҳажми, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар, қоидалар ва стандартларга, шу жумладан рақобат тўғрисидаги, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги, инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисидаги, меҳнат тўғрисидаги, шаҳарсозлик тўғрисидаги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиши бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

чет эллик инвесторнинг халқаро стандартларга, шунингдек энергия самарадорлиги ва экологик нормалар бўйича замонавий талабларга мувофиқ бўлган замонавий ускуналар ва технологияларни етказиб беришга доир мажбуриятлари;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шу жумладан инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланганига қўшимча кафолатлар ҳамда қўллаб-қувватлаш чораларини (имтиёз ва преференцияларни) тақдим этишга доир ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

лойиҳани молиялаштириш манбалари, амалга ошириш жадваллари, инвестиция лойиҳаси амалга оширилишининг бориши устидан техник назорат тартиби тўғрисидаги ахборот;

чет эллик инвестор томонидан ўз мажбуриятлари бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари;

тарафларнинг инвестиция шартномаси шартларини бажармаганлик учун жавобгарлиги, шу жумладан чет эллик инвесторга давлат органлари мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, шунингдек инвестиция шартномасига мувофиқ чет эллик инвестор ўз мажбуриятларига риоя қилмаганда ёки лозим даражада риоя қилмаганда Ўзбекистон Республикаси томонидан ўз мажбуриятларини бажаришни бир томонлама тартибда рад этиш ҳуқуқи;

ўзгартиришлар киритиш тартиби;

тугатиш тартиби;

инвестиция шартномаси тарафлари ўртасидаги инвестиция шартномаси қоидалари билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби, жойи ва низоларни кўриб чиқадиган орган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан инвестиция шартномасида инвестиция лойиҳасининг ўзига хос хусусиятларига қараб бошқа шартлар, шу жумладан қуйидаги шартлар ҳам бўлиши мумкин:

ҳудуднинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича тарафларнинг ўзаро мажбуриятлари;

чет эллик инвесторнинг шартнома шартларини бажариш натижасида ишлаб чиқарган, ўзига тегишли бўлган маҳсулотни ва олинган фойдасини (даромадларини) Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш ҳуқуқи;

чет эллик инвесторнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасидан ишчиларни ёллаш ва ўқитишга доир мажбуриятлари, технологиялардан фойдаланиш шартлари, шунингдек инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугалланганидан сўнг ташкил этилган ташкилот ходимларини ўқитиш бўйича мажбуриятлари.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан тузиладиган инвестиция шартномасида чет эллик инвесторга уни бозорда устун мавқега қўядиган мутлақ қоидалар ва ҳуқуқлар берилиши тақиқланади.

43-модда. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан инвестиция шартномасини тузиш бўйича таклифлар киритиш ташаббуси

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан инвестиция шартномасини тузиш бўйича таклиф киритиш ташаббуси чет эллик инвестор томонидан мустақил равишда ёки давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий

ижро этувчи ҳокимият органлари ёки хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан инвестиция шартномасини тузиш учун чет эллик инвестор мустақил равишда ёки лойиҳанинг тегишли ташаббускорлари билан биргаликда инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органига ёки унинг тасарруфидаги чет эл инвестицияларини жалб қилиш соҳасидаги ташкилотга қуйидагиларни тақдим этади:

инвестиция шартномасини тузиш ва инвестиция фаолияти объектига инвестицияларни амалга ошириш мақсади, шунингдек инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича мавжуд тажриба (агар мавжуд бўлса) тўғрисидаги ахборот кўрсатилган ариза;

инвестиция шартномасининг лойиҳаси;

ваколатли органларда қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда экспертизадан ўтган техник-иқтисодий асослаш (техник-иқтисодий ҳисоб-китоб) асосида бажарилган бизнес-режа лойиҳаси.

Инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органи ёки унинг тасарруфидаги чет эл инвестицияларини жалб қилиш соҳасидаги ташкилот инвестиция шартномаси лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, инвестиция лойиҳасини молиявий-иқтисодий баҳолаш, чет эллик инвесторларга ва (ёки) инвестициялар иштирокида ташкил этилаётган корхонага қонун ҳужжатларида белгиланганидан қўшимча равишда кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари (имтиёз ва преференциялар) беришга тааллуқли қисми бўйича давлат бошқаруви органларининг хулосаларини кейинчалик уларни Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига кўриб чиқиш учун киритиш мақсадида олади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ижобий хулосаси яқунларига кўра инвестиция шартномаси чет эллик инвестор ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органи орқали ёзма шаклда тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан имзоланган инвестиция шартномаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ушбу шартномани тасдиқлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган санадан эътиборан, агар ушбу қарорда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан тузилган инвестиция шартномалари ижросининг мониторинги ҳамда назоратини инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органи амалга оширади.

44-модда. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан тузилган инвестиция шартномасини бекор қилиш шартлари

Инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-

қувватлаш доирасидаги қўшимча кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чораларининг (имтиёзлар ва преференцияларнинг) амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан тузилган инвестиция шартномасининг амал қилиш муддати тугагач бекор қилинади ёхуд ушбу моддада белгиланган тартибда бундай муддатнинг тугашига қадар бекор қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан тузилган инвестиция шартномасининг амал қилиши қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

тарафларнинг ўзаро келишувига биноан;

бир томонлама тартибда.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан тузилган инвестиция шартномаси бўйича мажбуриятлар чет эллик инвестор томонидан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органи чет эллик инвесторга Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан тузилган инвестиция шартномасига ўзгартиришлар киритиш учун инвестиция лойиҳасини тўхтатиб туриш ва (ёки) уни бундан буён амалга ошириш имкониятини асословчи ҳужжатларни тақдим этиш зарурлиги тўғрисида ёзма хабарнома юборади.

Агар чет эллик инвестор томонидан ёзма хабарнома олинган пайтдан эътиборан уч ой мобайнида инвестиция лойиҳасини тўхтатиб туриш ва (ёки) уни бундан буён амалга ошириш имкониятини асословчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса, инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан тузилган инвестиция шартномасининг амал қилишини муддатидан олдин тугатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига тақдимнома киритади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳулосасини олганидан кейин чет эллик инвесторга Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан тузилган инвестиция шартномасининг амал қилиши муддатидан олдин бир томонлама тартибда бекор қилинганлиги тўғрисида ёзма хабарнома юборади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан тузилган инвестиция шартномаси бекор қилинган тақдирда, чет эллик инвестор инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш доирасида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан тузилган инвестиция шартномаси бўйича берилган қўшимча кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) туфайли бюджетга тўланмаган солиқлар ва тўловларнинг суммаларини тўлайди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан тузилган инвестиция шартномаси Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан инвестиция шартномасини тузган чет эллик инвесторнинг ташаббусига кўра бир томонлама тартибда бекор қилинган тақдирда, мазкур чет эллик инвестор инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш доирасида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан тузилган инвестиция шартномаси бўйича берилган қўшимча кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чора-

лари (имтиёзлар ва преференциялар) туфайли бюджетга тўланмаган солиқлар ва тўловларнинг суммаларини тўлайди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан тузилган инвестиция шартномаси тарафларнинг келишувига кўра муддатидан олдин бекор қилинганда мажбуриятларни бундан буён ижро этиш уларнинг ўзаро келишуви билан белгиланади.

45-модда. Чет эл инвестициялари бўйича давлатнинг мажбуриятлари

Давлат фақат чет эллик инвесторлар билан тузилган, ваколатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган шахслар томонидан имзоланган тегишли шартномаларда ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидангина жавобгар бўлади.

Давлат чет эл инвестицияларини жалб этувчи Ўзбекистон Республикаси резидентларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, бундан ушбу мажбуриятлар давлат томонидан кафолатланган ҳоллар мустасно.

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, банклар томонидан чет эллик инвесторларнинг ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган қўшимча талаблар ва чекловлар белгилаш тақиқланади.

9-боб. Чет эл инвестицияларининг ҳуқуқий режими

46-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторлар ва уларнинг инвестициялари учун ҳуқуқий режим

Чет эллик инвесторларга ҳамда чет эл инвестицияларига адолатли ва тенг ҳуқуқли режим тақдим этилади, уларни тўлиқ ва доимий равишда ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг хавфсизлиги таъминланади. Бундай режим Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган режимга нисбатан ноқулайроқ бўлиши мумкин эмас.

Чет эл инвестициялари учун ҳуқуқий режим Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари томонидан амалга ошириладиган инвестицияларнинг тегишли режимига нисбатан ноқулайроқ бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига мувофиқ иқтисодиётнинг ҳамда аҳоли соғлиғини, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлигига доир манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашнинг белгиланган соҳаларига чет эл инвестицияларини киритиш учун чекловларни ёки тақиқни ўз ичига олиши мумкин.

Чет эллик инвесторларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан кафолатланган, бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш Ўзбекистон

Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномалари билан тартибга солинади.

47-модда. Чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари

Чет эллик инвестор ушбу Қонуннинг 10-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасидаги инвестиция фаолияти натижасида олинган, ўзига тегишли бўлган ихтироларни, фойдали моделларни ва саноат намуналарини хорижда ҳамда Ўзбекистон Республикасида патентлаш тўғрисида мустақил равишда қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Чет давлатларнинг фуқаролари бўлган чет эллик инвесторларга, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш корхоналарини ташкил этишга инвестициялар киритган муассисларига (иштирокчиларига) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган шартларда Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси соддалаштирилган тартибда берилади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг муассислари (иштирокчилари) бўлган чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган шартларда Ўзбекистон Республикасидан чиқмасдан муддатини узайтириш имконияти билан «инвестиция визаси»ни, уларнинг оила аъзолари (турмуш ўртоғи, ота-онаси ва фарзандлари) эса «инвестиция визаси» амал қилиш муддатига мос равишда «меҳмон визаси»ни олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси ташқарисида бўлган чет эллик инвесторларга «инвестиция визаси» туридаги виза Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эллик инвесторларга эса Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан берилади.

Чет эллик инвесторларга «инвестиция визаси» туридаги визани ва Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига ёхуд «инвестиция визаси»га эга бўлган чет эллик инвесторлар ҳамда уларнинг оила аъзолари (турмуш ўртоғи, ота-онаси ва фарзандлари) кўйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишга жойлашиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган тенг ҳуқуқлар асосида тиббий ва таълим хизматларидан фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларида ўрта ва олий таълим олиш.

48-модда. Чет эллик ходимларни жалб қилиш

Инвесторлар ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар инвестиция фаолиятини амалга ошириш мақсадида ҳар қандай чет давлат фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар билан меҳнат шартномаларини эркин тузиш

ҳуқуқига эга. Бундай шахслар меҳнат шартномасининг бутун амал қилиш даврида тегишли кўп марталик визаларни олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш ва унинг ҳудудида бўлиш ҳуқуқига эга.

Чет эллик ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, уларга таътил бериш, уларни пенсия билан таъминлаш масалалари ушбу ходимларнинг ҳар бири билан тузилган меҳнат шартномаларида ҳал этилиши керак. Ушбу ходимларнинг иш ҳақи ва қонуний йўл билан олинган бошқа даромадлари қонунда белгиланган солиқ ва тўлов тўлангандан кейин улар томонидан бошқа давлатларга ҳеч бир чекловларсиз ўтказилиши мумкин.

Инвестор, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхона чет эллик ходим учун пенсия таъминоти бўйича тўловларни ушбу ходимнинг доимий яшаш жойи бўлган мамлакатнинг тегишли фондларига ўтказиши мумкин.

49-модда. Ҳаракатланиш эркинлиги

Инвестиция фаолияти билан боғлиқ ҳолда Ўзбекистон Республикасида бўлиб турган чет эллик инвесторлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида эркин ҳаракатланиш ҳуқуқига эга.

Айрим чекловлар, агар эркин ҳаракатланишга доир бундай чекловлар қонунда белгиланган бўлса, фақат Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қўлланилиши мумкин.

50-модда. Инвестицияларни суғурталаш

Инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний равишда фаолият кўрсатаётган ҳар қандай суғурта ташкилотида суғурта ҳимоясига бўлган ҳуқуқдан фойдаланади. Инвестицияларни сиёсий ва бошқа таваккалчиликлардан суғурталаш халқаро ташкилотлар, чет эл агентликлари, бошқа суғурта компаниялари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Инвестицияларни суғурталашни амалга оширувчи суғурта ташкилотлари Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди. Давлат суғурта ташкилотларининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди, бундан тарафларнинг битимларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Инвестицияларни суғурталаш сиёсий ва бошқа таваккалчиликлардан, шу жумладан қуйидагиларни ўз ичига олувчи таваккалчиликлардан суғурта ҳимоясини ҳамда кафолатларини таъминлайди:

мулкнинг реквизиция (экспроприация) қилинишини, шунингдек мулкни олиб қўйишга ёки уни бошқа шахсга беришга, унинг устидан ёки ундан олинадиган даромадлар устидан назоратнинг йўқолишига олиб келадиган ҳар қандай қонунчилик ёки маъмурий чораларни;

чет эл валютасини мамлакатдан ташқарига ўтказиш бўйича чекловлар жорий этишни;

давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва улар мансабдор шахсларининг инвесторлар шартномавий муносабатларига аралашувини;

урушларни, фуқароларнинг тартибсизликлари ва бошқа шунга ўхшаш воқеаларни;

инвесторлар ва чет эл инвестициялари билан боғлиқ бўлган сиёсий ва ўзга таваккалчиликларнинг бошқа турларини.

10-боб. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар

51-модда. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти

Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни ташкил этиши ва уларга Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномалари билан берилган барча ҳуқуқлар, кафолатлар ва имтиёزلардан фойдаланиши мумкин.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек унинг ташқарисида ҳар қандай валютада, ҳар қандай банкда ҳисобварақларни очиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш;

ссудаларни чет эл валютасида олиш ва қайтариш.

52-модда. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг шўъба корхоналари, филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа алоҳида бўлинмалари

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шўъба корхоналар, филиаллар, шунингдек юридик шахс бўлмаган ваколатхоналар ва бошқа алоҳида бўлинмалар ташкил этиши мумкин.

53-модда. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг хўжалик бирлашмалари

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ихтиёрий асосда уюшмалар ва бошқа хўжалик бирлашмаларини ташкил этиши, шунингдек амалдаги хўжалик бирлашмаларига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида кириши мумкин.

54-модда. Чет эллик инвесторларнинг хўжалик фаолияти

Чет эллик инвесторларнинг хўжалик фаолияти, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни, уларнинг шўъба корхоналарини, филиалларини ҳамда бошқа тузилмаларини, шунингдек хўжалик уюшмалари ва бирлашмаларини ташкил этишга, сотишга, қайта ташкил этишга ёки тугатишга, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг фондларини шакллантиришга, ижара шартномаларини ва бошқа шартномаларни тузишга доир хўжалик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалари билан тартибга солинади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар солиқлар ва тўловлар тўлайди.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг чет эл валюта-сидаги барча харажатлари уларнинг ўз валюта тушумлари, шунингдек чет эл валютасини олишнинг қонун ҳужжатларида рухсат этилган бошқа манбалари ҳисобидан таъминланиши керак. Уларнинг ўзини-ўзи валюта билан қоплаши ташкил этиладиган бирлашмалар ва бошқа ташкилий тузилмалар фаолияти доирасида ҳам таъминланиши мумкин.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар экспорт-импорт операцияларини қонун ҳужжатлари талабларига риоя этган ҳолда мустақил равишда амалга оширади. Шахсий ишлаб чиқариш маҳсулотларининг экспорти лицензияланмайди ва квоталанмайди.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун маҳсулотни Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензиясиз импорт қилишга ҳақли. Экспорт учун етказиб берилаётган шахсий ишлаб чиқариш маҳсулотини ва корхоналар томонидан ўз эҳтиёжлари учун импорт қилинаётган маҳсулотни аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасига чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кирилаётган мол-мулк улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида божхона божини ундиришдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод этилади. Чет эллик инвесторларнинг, чет давлатлар фуқароларининг ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи, чет эллик инвесторлар билан тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиб турган фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг шахсий эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулкдан божхона божи ундирилмайди.

Ихтироларни ва саноат намуналарини инвестициялар сифатида киритувчи чет эллик инвесторларга ҳамда чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга тегишли бўлган ихтироларни патентлаш ҳамда саноат намуналарини жорий этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар корхона фондларининг рўйхатини, уларни тузиш ва улардан фойдаланиш тартибини мустақил равишда белгилайди.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ер участкасини эллик йилга қадар, бироқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун аризада кўрсатилганидан кам бўлмаган узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқига эга.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва шартлар асосида ер участкаларини олиши мумкин.

Қурилишга ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи ушбу объектлар билан бирга бошқа шахсга ўтганда ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ва шартлар асосида бошқа шахсга ўтади.

Мол-мулкни чет эллик инвесторларга ижарага бериш ижарага берувчи томонидан тегишли шартномалар асосида амалга оширилади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ходимларининг меҳнатга оид муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси билан тартибга солинади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ходимларининг пенсия таъминоти қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

55-модда. Мажбуриятларни таъминлаш

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг мол-мулки ва мулкӣ ҳуқуқларидан улар ўз мажбуриятларининг барча турларини таъминлаш сифатида, шу жумладан қарз маблағларини жалб этишни таъминлаш учун фойдаланиши мумкин. Унинг савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига, шунингдек турар жойларга ва турар жойлар жойлашган ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи, биноларга, иншоотларга, ускуналарга бўлган мулкӣ ҳуқуқлари, шунингдек бошқа ашёвий ҳуқуқлари мажбуриятларнинг таъминоти сифатида кўрсатилиши мумкин.

Чет эллик инвесторга мулк ҳуқуқлари асосида тегишли бўлган барча мол-мулк ва мулкӣ ҳуқуқлардан, улар қаерда турганлигидан қатъи назар, инвестор томонидан ўз мажбуриятларининг таъминоти сифатида фойдаланилиши мумкин.

56-модда. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонани қайта ташкил этиш ёки тугатиш

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

Ўз устав фондини (устав капиталини) белгиланган муддатда таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорларда шакллантира олмаган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона уни амалда шакллантириб улгурган, аммо қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан оз бўлмаган даражагача камайтириши ёки ўзи бошқа ташкилий-ҳуқуқӣ шаклга айлантирилиши мумкин.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг активларига ушбу корхоналар тугатилган тақдирда солиқ солинади. Активларнинг қолган қисми, агар таъсис ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона иштирокчилари ўртасида уларнинг корхона мол-мулкидаги улушига мутаносиб равишда тақсимланади.

Чет эллик инвестор чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона таркибидан чиққан ёки ушбу корхона тугатилган тақдирда корхонанинг мол-мулкидаги ўз улушини бозор қийматига мувофиқ пул ёки товар шаклида қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда ўзлари билан меҳнат шартномалари тугатилган ходимларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилиши кафолатланади.

**11-боб. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида
инвестиция фаолиятини амалга ошириш**

57-модда. Юридик ва жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестиция фаолияти

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган жисмоний ва юридик шахслар Ўзбекистон Республикасидан ташқарида инвестиция фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Чет давлатларнинг ҳудудига инвестициялар юборишни тартибга солиш ушбу Қонунга, ҳудудига инвестиция фаолияти амалга оширилаётган давлатнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

58-модда. Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестиция фаолияти

Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқаруви органлари Ўзбекистон Республикасидан ташқарида инвестиция фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасининг мол-мулкни чет давлатлар ҳудудидаги юридик шахсларнинг устав фондларига (устав капиталларига) киритиш мулкдорнинг ёки у ваколат берган давлат бошқаруви органларининг розилиги билан амалга оширилади.

59-модда. Инвестицияларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига юбориш чоғидаги инвестиция фаолиятининг шакллари

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестиция фаолияти кўйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг инвестициялари иштирокидаги юридик шахсларни, шунингдек уларнинг шўъба корхоналарини, филиалларини, ваколатхоналарини ва бошқа алоҳида бўлинмаларини чет давлатнинг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этган ҳолда ташкил этиш;

мол-мулкни ёки мулккий ҳуқуқларни олиш;

чет давлатларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ бўлган бошқа ҳар қандай шакллар.

12-боб. Якунловчи қоидалар

60-модда. Инвестиция фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш ёки тугатиш

Инвестиция фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш ёки тугатиш инвесторнинг қарорига, ваколатли давлат органининг қарорига ёки суднинг қарорига кўра амалга оширилиши мумкин.

Инвестиция фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги қарор қўидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин:

инвестор қонунда белгиланган тартибда банкрот деб эълон қилинганда ёки тан олинганда;

фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига бошқа ҳақиқий таҳдидлар юзага келганда;

инвестиция шартномасида, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан тузилган инвестиция шартномасида белгиланган мажбуриятлар бажарилмаганда ва (ёки) қўпол равишда бузилганда;

инвестиция фаолияти жараёнида қонун ҳужжатларида белгиланган санитария-гигиена, радиациявий, экологик, архитектура-шаҳарсозлик талаблари ҳамда бошқа талаблар, юридик ва жисмоний шахсларнинг талаблари, ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқладиган манфаатлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар аниқланганда.

Инвестиция фаолиятини тадбиркорлик субъектининг фаолиятини тўхтатиб туришга ёки чеклашга олиб келадиган тарзда чеклаш, тўхтатиб туриш (бундан инвестиция фаолиятини фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа ҳақиқий таҳдид юзага келишининг олди олиниши муносабати билан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно) ёки тугатиш суд тартибида амалга оширилади.

61-модда. Давлат органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш

Давлат органларининг инвестиция фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган ёки чеклайдиган қарорлари, улар мансабдор шахсларининг шундай ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

62-модда. Инвестиция фаолияти субъектларига етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш

Инвестиция фаолияти субъектига инвестиция фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш ёки тугатиш муносабати билан етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш қонунда белгиланади.

Давлат бошқаруви органлари ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан инвестиция фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини чеклайдиган қарорлар қабул қилинган тақдирда, шунингдек ушбу органлар томонидан инвестиция фаолияти субъектларининг хўжалик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашилган ҳолларда етказилган зарарларнинг ўрни қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланади.

Давлат органининг (мансабдор шахснинг) ғайриқонуний маъмурий ҳужжат чиқариши натижасида инвестиция фаолияти субъектларига етказилган зарарларнинг ўрни суднинг қарори асосида давлат томонидан, биринчи навбатда тегишли органларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан,

кейинчалик айбдор шахсдан регресс тартибида ундириб олган ҳолда қопланиши ёки компенсация қилиниши лозим.

63-модда. Низоларни ҳал этиш

Чет эл инвестициялари билан боғлиқ бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторнинг инвестиция фаолиятини амалга ошириши чоғида юзага келадиган низо (инвестициявий низо) музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади. Агар инвестициявий низонинг тарафлари музокаралар ўтказиш йўли билан низони келишилган ҳолда ҳал этишга эришишга қодир бўлмаса, бундай низо медиация йўли билан тартибга солиниши керак.

Музокаралар ўтказиш ва медиация йўли билан тартибга солинмаган инвестициявий низо Ўзбекистон Республикасининг тегишли суди томонидан ҳал қилиниши керак.

Инвестициявий низоларни ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган тартибда ҳал қилиш мумкин бўлмаган тақдирда, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ва (ёки) инвестор ҳамда Ўзбекистон Республикаси ўртасида тузилган шартномада тегишли ва ҳақиқий арбитраж шарти назарда тутилган бўлса, бундай низо халқаро арбитраж воситасида ҳал этилиши мумкин.

Фақат Ўзбекистон Республикасининг имзоланган ва амалдаги халқаро шартномалари ва (ёки) инвестор ҳамда Ўзбекистон Республикаси ўртасида халқаро арбитражга мурожаат қилиш пайтида тузилган шартнома доирасидаги ёзма розилик Ўзбекистон Республикасининг инвестициявий низони арбитраж йўли билан ҳал этишга бўлган розилиги ҳисобланади.

64-модда. Илгари амалга оширилган инвестицияларга нисбатан ушбу Қонуннинг қоидаларини қўллаш

Ушбу Қонун илгари мазкур Қонун кучга киргунига қадар Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган инвестицияларга нисбатан фақат инвесторга энг кўп қулай бўлган қисми бўйича қўлланилади.

65-модда. Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

66-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги 609–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 91-модда);

2) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»**ги 611–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 93-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган **«Инвестиция фаолияти тўғрисида»**ги 719–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 9 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–380-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 12, 342-модда);

4) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 832–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 229-модда) **XXIII бўлими**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 568–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 18-модда) **XXII** ва **XXIV бўлимлари**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 16 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ҳамда «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–6-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 310-модда);

7) Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрда қабул қилинган **«Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–197-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда) **23, 24** ва **27-моддалари**;

8) Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги, шунингдек солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–343-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 334-модда) **3-моддаси**;

9) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 20 январда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–365-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 1, 2-модда) **16** ва **17-моддалари**;

10) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–429-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 4, 137-модда) **7-моддаси**;

11) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**-ги ЎРҚ–446-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда) **40-моддаси**;

12) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 26 июлда қабул қилинган **«Иқтисодиётнинг жадал ривожланишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–488-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 433-модда) **2-моддаси**.

67-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида, айниқса инвестиция фаолияти субъектлари ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

68-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

69-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан бир ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 25 декабрь,
ЎРҚ–598-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

919 Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг биометрик ҳужжатиغا эга бўлган чет эл фуқаролари учун Ўзбекистон Республикасига киришда визасиз режимни белгилаш ва виза режимини енгиллаштириш тўғрисида*

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (кейинги ўринларда — БМТ) билан ўзаро ҳамкорлиги доимий равишда кенгайиб, чуқурлашиб бормоқда. БМТ билан ўрнатилган олий ва юқори даражадаги алоқалар мунтазам ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон БМТнинг Бош ассамблеяси ва бошқа ихтисослаштирилган муассасалари фаолиятидаги ўз иштирокини фаоллаштирди.

Ўзбекистон Республикасининг БМТ ва унинг тузилмалари билан барча долзарб йўналишларда ўзаро муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама ривожлантириш, халқаро молия институтлари билан алоқаларни кенгайтириш, шунингдек, БМТ ходимларининг Ўзбекистон Республикасига ташриф буюриши учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. 2020 йил 1 январдан бошлаб БМТнинг биометрик ҳужжатиغا (қизил рангли Laissez-Passer паспорти) эга бўлган чет эл фуқаролари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз режим белгилансин.

2. Белгилансинки:

БМТнинг биометрик ҳужжатиغا (мовий рангли Laissez-Passer паспорти) эга бўлган чет эл фуқаролари учун Ўзбекистон Республикасига кириш визалари Ўзбекистон Республикасидаги таклиф қилувчи томоннинг таклифнома хати асосида 2 иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан расмийлаштирилади;

БМТнинг биометрик ҳужжатларига (қизил ёки мовий рангли Laissez-Passer паспорти) эга бўлган ва Ўзбекистон Республикасига ташриф буюраётган чет эл фуқароларида бир вақтнинг ўзида амал қилиш муддати БМТнинг биометрик ҳужжатлари амал қилиш муддатидан кам бўлмаган миллий паспорти (ҳаракатланиш ҳужжати) бўлиши лозим.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

бир ой муддатда мазкур Фармон қоидалари тўғрисида БМТни хабардор қилсин, шунингдек, БМТнинг биометрик ҳужжатлари (қизил ва мовий

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 декабрда эълон қилинган.

рангли Laissez-Passer паспортлари) намуналарини, бундай ҳужжатлар ва уларнинг химоя элементлари батафсил тавсифини сўраб олсин;

икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти имтиёзлари ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенциясига (Нью-Йорк, 1946 йил 13 февраль) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши мақсадга мувофиқлигини ўрганиб, натижаси бўйича Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган таклифлар киритсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 24 декабрь,
ПФ-5896-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**920 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларини қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 24 декабрь,
ПҚ-4552-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 24 декабрдаги
ПҚ-4552-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари ва ташкилотларининг формали кийим-бошларини ишлаб чиқиш, стандартлаштириш, тасдиқлаш ва тайёрлаш механизмини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2800-сон қарорининг рус тили матни 1-иловасининг 8-бандидаги «и Специальное аварийно-восстановительное управление» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3549-сон қарорида:

2-иловадаги «Махсус авариявий-қайта тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)» блоки чиқариб ташлансин;

3-иловадаги «Махсус авариявий-қайта тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)» блоки чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4076-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомда:

а) 2-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг махсус авария-тиклаш бошқармасида (кейинги ўринларда — 15361-ҳарбий қисм)» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 3-банддаги «15361-ҳарбий қисмда» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 5-банднинг учинчи хатбошидаги «15361-ҳарбий қисм» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 9-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Миллий гвардия ва ФВВга ҳарбий хизматга келаётган фуқароларни, шунингдек, Миллий гвардия ва ФВВнинг шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларини ва уларнинг оила аъзоларини тиббий кўрикдан ўтказиш Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ХТК томонидан амалга оширилади».

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА САНОАТ ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ****921 Электрон кооперация биржаси портали орқали харидларни амалга ошириш учун буюртмачилар ва етказиб берувчиларнинг аванс маблағлари (закалат ва операторнинг воситачилик йиғими) миқдорини белгилаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
23 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3206*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 майдаги ПҚ–4302-сон «Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 833-сон «Саноат ярмаркалари ва электрон кооперация биржаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Электрон кооперация биржаси портали орқали харидларни амалга оширишда аванс маблағлари миқдори:

буюртмачилар (бюджет буюртмачилари бундан мустасно) ва етказиб берувчиларнинг закалат маблағи — савдога қўйилган лот суммасининг 1 фоизиди;

операторнинг воситачилик йиғими — шартнома суммасининг 0,10 фоизи миқдорида белгилансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир**Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 29 ноябрь,
17-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 24 декабрда эълон қилинган.

Келишилган:

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2019 йил 29 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

922 Солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2926-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4525-сон «Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 15 августдаги 2017-41-сон қарори (рўйхат рақами 2926, 2017 йил 5 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 36-сон, 972-модда) билан тасдиқланган Солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2 ва 3-иловаларидан «М.Ў. (муҳр мавжуд бўлганда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 19 декабрь,
2019-64-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

923 **Банкка алоқадор бўлган шахслар билан тузиладиган битимлар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2706-3

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/15-сон қарори (рўйхат рақами 2706, 2015 йил 5 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 31-сон, 418-модда) билан тасдиқланган Банкка алоқадор бўлган шахслар билан тузиладиган битимлар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13 декабрь,
30/10-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
13 декабрдаги 30/10-сон қарорига
ИЛОВА

Банкка алоқадор бўлган шахслар билан тузиладиган битимлар тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 7-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. 26-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26. Мазкур Низом талаблари банклар томонидан бузилган тақдирда Марказий банк Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган чора ва санкцияларни қўллашга ҳақли.».

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

924 «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2971-2*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 18 декабрдаги 156-сон «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғининг (рўйхат рақами 2971-1, 2019 йил 18 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 3-сон, 58-модда) 2-бандидаги «2020» рақами «2021» рақами билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 20 декабрь,
111-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**925 «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БҲС) «Ягона счётлар режаси»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3078-2*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 10 сентябрдаги 125-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БҲС) «Ягона счётлар режаси»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғининг (рўйхат рақами 3078, 2018 йил 20 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 43-сон, 847-модда) 2-бандидаги «2020» рақами «2021» рақами билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 20 декабрь,
113-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

926 «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) «Бюджет ҳисоботи»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3124-1*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 18 декабрдаги 157-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) «Бюджет ҳисоботи»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғининг (рўйхат рақами 3124, 2019 йил 18 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 3-сон, 57-модда) 2-бандидаги «2020» рақами «2021» рақами билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 20 декабрь,
112-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

927 Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-6

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сон қарори (рўйхат рақами 2693, 2015 йил 6 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 27-сон, 360-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13 декабрь,
30/9-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
13 декабрдаги 30/9-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банклари капиталининг монандлигига
қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банднинг тўққизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«регулятив капитал — банк фаолиятини тартибга солиш ва пруденциал нормативлар ҳисоб-китобини амалга ошириш мақсадида ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланадиган банк капитали;».

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 декабрда эълон қилинган.

2. 45-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«45. Мазкур Низом талаблари банклар томонидан бузилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган чора ва санкцияларни қўллашга ҳақли.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ

928 **Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2667-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 сентябрдаги 729-сон «Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий-ижтимоий муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2011 йил 23 августдаги 240-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2015 йил 20 мартдаги 25-сон буйруғи (рўйхат рақами 2667, 2015 йил 17 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 15-сон, 194-модда) билан тасдиқланган Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 6 декабрь,
104-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил
6 декабрдаги 104-сон буйруғига
ИЛОВА

**Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби
тўғрисидаги йўриқномга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 23-банднинг биринчи хатбошисидаги «ногиронларга» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 36-банддаги «ногирон болани» деган сўзлар «ногиронлиги бўлган болани» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 40-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«40. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлигининг Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази, ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш ҳудудий марказларида протез қўйдирган шахсларга беморнинг марказда бўлган барча даври учун меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилади.».

4. 41-банддаги «ногирон болага» деган сўзлар «ногиронлиги бўлган болага» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

929 Таълим муассасалари, корхоналар, турар жой даҳаларининг асосий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва (ёки) спорт иншоотлари билан энг кам таъминланиш нормативларига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2614-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 октябрдаги 898-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 декабрда эълон қилинган.

«Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига спорт клублари фаолиятини ҳамда спорт мусобақаларини ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2014 йил 14 августдаги 3-сон буйруғи (рўйхат рақами 2614, 2014 йил 10 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 37-сон, 478-модда) билан тасдиқланган Таълим муассасалари, корхоналар, турар жой даҳаларининг асосий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва (ёки) спорт иншоотлари билан энг кам таъминланиш нормативларининг III бўлим номидаги «Ўрта махсус, касб ҳунар таълими» деган сўзлар «Академик лицейлар, профессионал таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. НАБИЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13 декабрь,
9-мҳ-сон

Келишилган:

*Олий ва ўрта махсус
таълим вазири*

И. МАДЖИДОВ

2019 йил 13 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ

**930 «Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчилари-
нинг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисида-
ги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва
қўшимчалар киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2981-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 июлдаги 555-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизматининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий гвардияси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 23 февралдаги 11-87, 20-сон «Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2981, 2018 йил 15 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.03.2018 й., 10/18/2981/0900-сон) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Олий суд раиси

К. КАМИЛОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 4 ноябрь,
669-сон

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 4 ноябрь,
88-сон

Миллий гвардия кўмондони

Б. ТАШМАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 4 ноябрь,
24-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди, Ички ишлар вазирлиги,
Миллий гвардиясининг 2019 йил 4 ноябрдаги
669, 88, 24-сон қарорига
ИЛОВА

**«Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг
хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги
йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Қарор номи ва 1-банддаги «Судлар» деган сўз «Суд бинолари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Йўриқномада:

а) номи ва 2-бобнинг номидаги «Судлар» деган сўз «Суд бинолари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) муқаддимадаги «судлар» деган сўз «суд бинолари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Суд биноларини қўриқлаш ва хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизмати томонидан амалга оширилади.

Суд процесси иштирокчилари ва судланувчиларнинг хавфсизлиги ҳамда жамоат тартибини сақлаш ички ишлар органлари томонидан таъминланади.»;

г) 3-банд қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин: «суд процесси — суд мажлиси бошланган вақтдан тугагунга қадар давом этадиган жараён.»;

д) 6, 8 ва 13-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

е) 7-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти (бундан буён матнда Департамент деб юритилади) томонидан суд биноларининг қўриқланишини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳудудий қўриқлаш бошқармалари билан тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.»;

ж) қўйидаги мазмундаги 7¹-банд билан тўлдирилсин:

«7¹. Суд бинолари, суд процесслари ва уларнинг иштирокчиларини хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳар 6 ойда камида бир маротаба ҳудудий қўриқлаш бошқармаси, ички ишлар органи ҳамда Департаментнинг масъул ходимлари иштирокида суд биноларининг Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардиясининг келишувида назарда тутилган муҳандислик-техник воситалар билан жиҳозланганлиги, шунингдек уларнинг мустаҳкамлиги ўрганиб чиқилади.

Ўрганиш натижаси бўйича далолатнома расмийлаштирилади. Ўрганиш давомида камчиликлар аниқланган ҳолларда далолатномада ушбу камчиликларни бартараф этишнинг аниқ муддатлари кўрсатилиши шарт.»;

з) 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қўриқлаш бош-қармасининг ҳудудий бўлинмалари суд биноларини қўриқлаш учун шахсий таркиб ажратади.»;

и) 10-банддаги «кеча-кундуз» деган сўзлар «24 соат давомида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

к) 11-банд «дарҳол суд раисига» деган сўзлардан кейин «ва тўғридан-тўғри бошлиғига (командирига)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

л) қуйидаги мазмундаги 18¹-банд билан тўлдирилсин:

«18¹. Амалиёт ўташ учун келган шахсларнинг (талаба, ўқувчи, тингловчи, курсант ва бошқалар) суд биносига кириши ва чиқиши вақтинчалик рухсатнома асосида амалга оширилади.

Вақтинчалик рухсатнома судда амалиёт ўташ учун келган шахсларга 6 ойдан кўп бўлмаган муддатга берилади. Вақтинчалик рухсатнома тегишли суд раисининг имзоси билан тасдиқланади ва унга тегишли суднинг муҳри босилади. Вақтинчалик рухсатномада шахснинг рангли фотосурати бўлиши шарт.»;

м) 25-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25. Қуйидаги шахслар суд биносига назорат ўтказиш пункти орқали хизмат гувоҳномасини кўрсатган ҳолда судга ташриф буюрувчиларни рўйхатга олиш китобида қайд этилгандан кейин кириш ҳуқуқига эга:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходимлари;

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьялари;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари ва масъул ходимлари;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг аъзолари;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг масъул ходимлари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг масъул ходимлари;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг масъул ходимлари;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг масъул ходимлари;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг масъул ходимлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман);

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил;

Департамент ва унинг ҳудудий бўлимларининг масъул ходимлари;

судьялар ва суд ходимлари;

фельдъегер хизматининг махсус алоқа ходимлари.»;

н) 26-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«катта ҳажмли сумка, чемодан, кути, тугунларни махсус ажратилган

жойда қолдиришдан бош тортган ва ҳайвонлар билан кириш истагини билдирган шахслар;»;

о) 27-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27.» Суд мажлисини фототасвирга тушириш, аудио ва видеоёзувини амалга ошириш, шунингдек оммавий ахборот воситаларида трансляция қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.»;

п) 28-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«28. Суд процессини ўтказишда тўсқинликлар вужудга келиши эҳтимоллини тасдиқловчи асослар мавжуд бўлганида раислик қилувчи ёки суд раиси суд мажлиси ўтказилишига камида уч кун қолгунга қадар, суд процесси хавфсизлигини таъминлаш учун зарур чоралар кўриш тўғрисида туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаларига (бўлимларига) ёзма хабарнома жўнатади.»;

р) 29-банддаги «бўлимлари» деган сўз «бошқармалари (бўлимлари)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

с) 30-банддан тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

т) қўйидаги мазмундаги 30¹ ва 30²-бандлар билан тўлдирилсин:

«30¹. Суд бинолари, суд процесслари ва уларнинг иштирокчиларини хавфсизлигини таъминлаш чораларини кучайтириш зарурияти юзага келганда суднинг мурожаатига асосан ички ишлар органларининг қўшимча куч воситалари жалб этилади.

30². Суд бинолари Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардияси келишуви асосида муҳандислик-техник воситалари билан жиҳозланади.

Жиноят ишлари бўйича суд бинолари Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардиясининг келишувида назарда тутилган муҳандислик-техник воситалар билан жиҳозланмаган тақдирда, мавжуд камчиликлар бартараф этилгунга қадар ички ишлар органи ходимлари томонидан судланувчиларни суд процессига қўриқлаб келиш тўхтатилади.»;

у) 35 ва 38-бандлардаги «бўлимига» деган сўз «бошқармасига (бўлимига)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ф) 36-банд «чораларни кўриш тўғрисидаги» деган сўзлардан кейин «суднинг» деган сўз билан тўлдирилсин;

х) 41-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«41. Қўриқланаётган шахсларга таҳдид солаётган хавф бартараф этилганда ёки хавфсизлик чораларини бекор қилиш учун бошқа асослар вужудга келганда суд томонидан ички ишлар органларини бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилади. Ушбу хабарнома туман (шаҳар) ички ишлар бошқармасига (бўлимига), нусхалари эса қўриқланаётган шахсларга юборилади.».

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 21 декабрдан 27 декабргача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирининг 2019 йил 29 ноябрдаги 17-сон «Электрон кооперация биржаси портали орқали харидларни амалга ошириш учун буюртмачилар ва етказиб берувчиларнинг аванс маблағлари (закалат ва операторнинг воситачилик йиғими) миқдори-ни белгилаш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 23 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3206.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 19 декабрдаги 2019-64-сон «Солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2926-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 13 декабрдаги 30/10-сон «Банкка алоқадор бўлган шахслар билан тузиладиган битимлар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2706-3.

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 20 декабрдаги 111-сон «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2971-2.

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 20 декабрдаги 113-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БХС) «Ягона счётлар режаси»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3078-2.

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 20 декабрдаги 112-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) «Бюджет ҳисоботи»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3124-1.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 13 декабрдаги 30/9-сон «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»-ги қарори.

2019 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-6.

8. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил 6 декабрдаги 104-сон «Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2667-1.

9. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2019 йил 13 декабрдаги 9-мҳ-сон «Таълим муассасалари, корхоналар, турар жой даҳаларининг асосий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва (ёки) спорт иншоотлари билан энг кам таъминланиш нормативларига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2614-2.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардиясининг 2019 йил 4 ноябрдаги 669, 88, 24-сон ««Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2981-3.